

РҮЗИГУЛ РАҲМАТОВА

Калд кўзи



**ТОШКЕНТ
«ИСТИҚЛОЛ»
2014**

УЎК: 821.512.133-1

KBK: 84(5Ў)7

P 33

Ўзбагоб.

84(5Ў)7

P 33

Раҳматова, Рўзигул.

Қалб кўзи: шеърлар / Р. Раҳматова. — Тошкент:
Istiqlol, 2014. — 32 б.

Бу қаламкаш қизчанинг илк тўпламидан жой олган шеърларида Ватан, дўстлик ва инсонийлик туйғулари, устозлари, меҳрибон авлодлари тараннум этилади. Ҳали изланиш палласида турган ёш ижодкорнинг қораламаларида камчиликлар ҳам мавжуд. Лекин, унинг шеърий сатрларида ўзгача бир истеъдоднинг учқунлари бор. Ўқиб-ўрганса, кўпроқ машқ қилса ниятига етса ажабмас.

Келинг, сиз ҳам унинг ижод намуналарига ошна бўлинг.

УЎК: 821.512.133-1

KBK: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-308-88-6	42320
Allison Navoiy	10 0
2014/11	nomidagi
A 1458	O'zbekiston MK

© «Istiqlol nashriyoti», 2014

ЁШЛИГИМ

Үйлайман бутун ёшлик қани деб,
Шүх-шодон кулги, шүхлик қани деб,
Үйлайман қадрдон дўстлар қани деб,
Мен сени соғиндим, оҳ ёшлигим!

Қани қайтса эди ўйноқи дамлар,
Қайтса эди шўх-шодон кунлар
Қайтса эди дўстларла давралар,
Мен сени соғиндим, оҳ ёшлигим!

Юрагим қўмсайди, шўх ёшликни,
Бегубор, тўпори бебошликни,
Дўстим билан ажаб сирдошликни,
Мен сени соғиндим, оҳ ёшлигим!

Нагоҳ ўйладим ёшликни нега?
Нега қумсади кўнглим ёшликни.
Кўрдим дўстларла тўлган даврани,
Эсга тушди шўх ёшлик дамларим.

Қайтинг яна ёшлик чоғларим,
Дўстларла юрган гўзал онларим,
Қани қайтсайди суянч тоғларим,
Мен сени соғиндим, оҳ ёшлигим!



БАҲОР

Баҳорим сени жуда соғиндим,
Кутавериб орзиқиб кетдим.
Қирларга бордим, бироз овундим,
Бойчечакка қўшиқлар битдим.

Кўп ўтмай атроф, гулга бурканди,
Сойларда сувлар тошиб оқдилар.
Мен навбаҳорни кутганим каби,
Қизлар қувнаб, чамбарак тақдилар.

Дараҳт гуллари қандайин гўзал,
Сенга шоирлар ёзишган ғазал.
Баҳор ёмғири пок ва беғубор
Майин шабадалар таратар ифор.



ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Балки мендан қолар меҳр-оқибат,
Қолар балки ўтли чин муҳаббат,
Ахир қолар бир ҳовуч тупроқ,
Бўлгин ёнимда, лолақизғалдоқ.

Сени кўриб юрак баҳтларга тўлар,
Бир кўриб хаста соғаяр шу чоқ.
Гўзаллигингдан ёшим улғаяр,
Бўлгин ёнимда, лолақизғалдоқ.

Ёшлик ўтар қолар юрақдан нолам,
Шунда ҳам эслай, сен эй, лолам.
Армон қолар, афсус чекма бироқ.
Бўлгин ёнимда, лолақизғалдоқ.

Мендан қолсин бир гуллаган бўстон,
Юракларга малҳам шеъру достон.
Сен менга очгин доимо қучоқ,
Бўлгин ёнимда лолақизғалдоқ.



УСТОЗИМ

Муаллим Абдуназар Назаровга

Берган сабоғингиз унитиб бўлмас,
Шогирдлар сизни ҳеч тилдан қўймас.
Таълимни сиздайин муаллим бермас,
Бугун дейман сизга, раҳмат устозим!

Қанчалик мақтасам, шунчалик оздир,
Қанча ардоқласам, шунчалик оздир,
Ҳар бир сўзингиз сеҳр, жонли овоздир,
Бугун дейман сизга, раҳмат устозим!

Ҳали ишончингиз оқлай олмадим,
Сизнинг йўлингиздан асло толмадим,
Юксак мақсадимдан сира қолмадим,
Бугун дейман сизга, раҳмат устозим!



ЎЗБЕГИМ

Ўзбеклар боши асло ҳам бўлмаган,
Қийналса ҳам қалби ҳеч эзилмаган.
Ошин ҳалол ебон, ҳиммат қўрсатиб,
Гердайиб юргану, ҳеч бузилмаган.

Юрт тинчлиги учун жонин берган у,
Курашган, олишган бўй эгмай.
Авлодларига муносиб бўлиб,
Яшайди, яшагач асло қул бўлмай.

Энди Ўзбекистон Осиёда маёқ,
Унинг шонли номи дунёни кезар.
Бугун шоҳсупада ҳилпирар байроқ,
Ўзбегим пахтаси оламни безар.

Сен дунё тургунча, тургин ўзбегим,
Фарзандларинг жавлон урсин ўзбегим.
Мен сенинг фидойи жасур, қизингман,
Хизматингни доим қиласай ўзбегим.



ОНАМ ДУОСИ

Юрибман яйраб бугун ғам йўқ онажон,
Қалбда ҳеч қандай алам йўқ, ғам йўқ.
Бу ёруғ оламда бизга сиз борсиз,
Омон бўлинг бахтимизга, кўнгил тўқ.
Сиз борсиз қалбда йўқ заррача губор,
Бахт-иқбол тилайсиз, бўлиб дуода.
Умрингизга умр қўшилсин деймиз,
Фарзандлар нияти, мангу навода.

ҲАЁТ СИНОВИ

Меҳрла боқаман ҳаётга субҳидам,
Бугун қувончимнинг чеки йўқ асло.
Ҳаёт не синов берган бўлса ҳам,
Унинг синовидан ўтдим мен танҳо.

Қийин дамлар қанча оғир бўлса ҳам,
Уларни бардошла енгиб ўтаман,
Дейдиларку, дунё ўзи жуда кам,
Келажакни умид билан кутаман.



БОБОЖОН

Кўлимдан оҳиста тутиб, етаклаб,
Бағрига босарди, эртак айтарди.
Кўнглимни кувончга тўлдириб олиб,
Бобожон ўрнингиз энди билинди.

Орзу ортидан интил дер эдингиз,
Шу йўлда маслаҳатлар ҳам бердингиз,
Менинг ниятимни аниқ билдингиз.
Бобожон ўрнингиз энди билинди.

Қоқилганда доим суяр эдингиз,
Софинганда кел деб, севар эдингиз,
Ёнимизга жўшиб келар эдингиз,
Бобожон ўрнингиз энди билинди.

Аммо, кўп авлодни кўролмадингиз,
Уларга насиҳат беролмадингиз,
Ҳаттоқи эртаклар айтолмадингиз.
Бобожон ўрнингиз энди билинди.



ОТАМ БОРЛИГИ УЧУН

Ғамим йўқдир қалбимда, отам борлиги учун,
Устим зар, еганим қанд, отам борлиги учун,
Йиқилмадим, синмадим, отам борлиги учун,
Магурман меҳрибоним, отам борлиги учун.

Узофим яқин доим, ташвишим йўқ ҳаётда,
Кўзимда йўқдир ёшим, отам борлиги учун.
Баланддир мурғак бошим, чопаман учқур отда.
Порлар кўнгил қўёшим, отам борлиги учун.

Қадамим бермади панд, ўқишим аъло фақат,
Ишончни оқлай дейман, отам борлиги учун.
Орзуим жуда катта, бўлиш муносаб фарзанд,
Оқил қиз десин элим, отам борлиги учун.

Ўрним бор дўст ичинда, орзуларим кўп бисёр,
Суянганим меҳрибон, сира йўқдир армоним.
Юрагимга мадорим, менга ёрдам тайёр.
Эгилмайман, бошим тик, отам борлиги учун.



ОТАМ

Бу ҳаётнинг азобини кўрган,
Бизни деб не-не ташвишда юрган,
Гоҳида эркалаб, гоҳида урган.
У менинг отамдир, у менинг отам.

Энг яхши либосни, менга кийдирган,
Китоблар обериб, роса сўйдирган,
Сирғалар тақдириб, кўнглим ийдирган.
У менинг отамдир, у менинг отам.

Аллоҳим умр берса, қанча яшамай,
Унутиб бўларми, ота меҳрини.
Фарзандларин ўйлаб, ошлар ошамай,
Бизларга ато этган, бутун сеҳрини.

Бу дунё бор экан, унда кўп инсон,
Бирлари яхши-ю, бирлари ҳайвон,
Лек улар ичинда, ягона ёмон,
У менинг отамдир, у менинг отам.



УМР

Бугун бўлди юрагим хомуш,
Билолмадим қалбим ўйлари.
Ўтган йиллар гўёки бир туш,
Умримнинг энг соғинч куйлари.

Қалбингизда тўла ҳаяжон,
Ўйлайсиз болаларингизни?
Оҳ, соғиндим бугун онажон,
Кўлдан ушлаб юрганингизни.

Бизни қарши олади кимлар?
Кимлар фақат бизни ўйлайди?
Кенг шаҳарда қизалоғингиз,
Кимнинг меҳрига ташна бўлади!?



СИНФДОШ

Софинч занжирларин сенга боғладим,
Амонларим ортидан қийналар жоним,
Үйларим, сирларим сенда хәёлим,
Сен ҳам унутмагин, мени синфдош.

Менга жуда қизиқ дўстларим бари,
Бор эди кўпларнинг ўйи ва сири,
Билмадим не бўлди улар тақдири,
Сен ҳам унутмагин, мени синфдош.

Қайда қолди маъсума дамлар,
Юрагим эзилар, кўзимда намлар,
Қадрланг ёшликни, азиз одамлар,
Сен ҳам унутмагин, мени синфдош.



МЕХРИБОНЛАРИМ

Куёш каби йўлларимни ёритгувчи,
Ҳаётимнинг мазмунини бойитгувчи,
Қаршисида булбул каби сайратгувчи,
Бу менинг отамдир, у меҳрибон онам.

Кувончимни кўриб жуда қувонади,
Хасталансам хафа бўлиб куюнади,
Ютуғимдан хурсанд бўлиб суюнади,
Бу менинг отамдир, у меҳрибон онам.

Кўрсам дерлар болажоним бахтини,
Эртаклардай бекаму-кўст, нур тахтини.
Бир умрга бузмасин деб чин аҳдини,
Бу менинг отамдир, у меҳрибон онам,

Истайдилар ҳаётда қоқилмаслигим,
Ҳазон каби бевақт тўкилмаслигим,
Учганда қанотим ҳеч қайрилмаслигин,
Оллоҳдан сўрайдилар отам-у онам.



БИЛМАДИМ

Кувонч ёр эди, ҳар бир йўлимга,
Ҳар бир ишимга омад ёр эди.
Билмадим менга не бўлди бугун,
Орзулар қордай эриди-кетди.

Мунчалик олис қалбим ўйлари,
Гулларга тўлганди фикр-хаёлим.
Билмадим йўлимга кимлар ғов бўлди,
Орзулар қордайин эриди-кетди.

Омад ҳамиша менга ёр эди,
Бахт-иқбол доимо йўлдош эди,
Билмадим улар қайларга кетди,
Орзулар қордайин эриди-кетди.



АКАЖОН

Ёшлигимда эркалаб,
Сингилжоним деб атаб,
Құлларимдан ушлаган,
Ақажоним, ақажон.
Арғимчоқда учирив,
Эркалатиб уришиб.
Үйинларни ўргатган,
Ақажоним, ақажон.
Ўргатарди менга шеър,
Үқи, үқи, доимо дер,
Қалбим сизга раҳмат дер,
Ақажоним, ақажон.




ҮЙИНҚАРОҚ БҮЛМАГИН

Болалигим ортда қолмоқда,
Йиллар мендан уни олмоқда,
Устозларим сабоқ бермоқда,
Үйинқароқ бўлмагин дўстим.

Кунни беҳуда ўтказмагин,
Китоб ўқигин, бузилмагин.
Тошқин сойларга чўмилмагин,
Ўйинқароқ бўлмагин дўстим.

Болалиқда шеърлар ёдлагин,
Аммо, ўйнаб ортда қолмагин,
Мактаб бориб икки олмагин,
Ўйинқароқ бўлмагин дўстим.

Ҳафа бўлмай интил орзуга,
Қўшиқ ёзгин, ҳофиз созига,
Ҳавас қилгин, шўх овозига,
Ўйинқароқ бўлмагин дўстим.



ХАЙР, ДҮСТЛАРИМ!

Бугун чалинмоқда, сүнгги қүнфирик,
Дүстларимдан айирма сен бироқ.
Чалинма бироз, чалинмай турғин,
Аммо, мактаб битмоқда бугун.
Күзимиздан дур түкилар ёшлар,
Хаёт бизни қайларга бошлар,
Чалинма бироз, чалинмай турғун,
Тарк этманг дүстлар, мактабни бутун.

МАНСАБ

Гулдек ҳаётингни мансаб билан боғлама,
Беш кунлик умрингни беҳудага доғлама,
Умр ўтар сув каби, афсус чекиб қолмагин,
Дүстим ўзингни мансабга чоғлама,
Мансаб тез келса, шундай кетиши ҳам бор,
Унга кўп маҳлиё бўлмагин сен зинҳор.
У ҳеч кимга вафо қилмас, эсингда тут,
Мансабпастларни айтишар беор.
Зеб-у зийнатдайин ўзига ром этади,
Бевафо гўзалдай, сенга ашёр битади,
Хушёр бўлинг, асло асир бўлманг одамлар,
Ипсиз боғлаб, сўнгра хонавайрон этади.



СОФИНЧ

Аламлар йўлимга ғов бўлган пайтда,
Армонлар ўйлатиб қўйганда бутун.
Гоҳ, ноҳақ айловвлар қийнаганида,
Мен сизни соғиндим, соғиндим бугун.

Бугун мен ўйлайман айбларим не деб,
Маъюс кўзларимдан тўкилар ёшлар.
Билмадим қаерда қолдим адашиб,
Мен сизни соғиндим, соғиндим бугун.

Кимдир йўлларимга қўйгандир тузоқ,
Ҳаётда бир бора унга тушибман.
Айловга кўмилиб, юрагим хомуш,
Мен сизни соғиндим, соғиндим бугун.

Агар йўлларимга бўлмаса бу ғовлар,
Ноҳақ айловдан қийналмасди бу жон.
Нега, ёмонлар бор ҳамон ҳаётда,
Мен сизни соғиндим, соғиндим бугун.



КЕЛИНЧАК

Оқ либосинг сенга мосдир келинчак,
Күёв бола сенга хосдир келинчак,
Қайнонанг күнглини топгин келинчак,
Келин эмас фарзанд бўлгин келинчак!
Қайнотангни хурмат қил, дуосин ол,
Оиланинг меҳрин қозон келинчак.
Кўли ширин, ўзи чаққон десинлар,
Меҳрингни аяма, бахтли бўл келинчак.

ОҲ, ЧЕКМАНГ

Оҳ, урганда оқар кўздан сероб ёш,
Оҳ, урганда ҳатто кўринмас қуёш,
Оҳ, урганда қалблар бўлар метин тош,
Ҳеч қачон дунёда оҳ, чекма инсон.
Бошингни мағрур тут, эзилма, ишон,
Ватан келажаги порлоқ, нурафшон,
Мақсадсиз яшама, ёруғдир жаҳон,
Сен юртим фарзанди, фидойи инсон.



ОЖИЗ ҚИЗ СҮЗИ

Күзларим күрмайди, қалбим минг пора,
Онам тинмай йиглар, топилмас чора,
Бу ёруғ оламда неки бор қора,
Чунки күролмайди, менинг күзларим.

Қалбим эзилади, фикрим ўзгармас,
Онам йиглайдио, дарди ўзидамас,
Волидам қандай, ох, ўзим билмайман,
Чунки күролмайди менинг күзларим.

Осмонни түлдириб қушлар учади,
Боғдаги гулларни булбул қучади,
Дараҳтлар гуллайди, мева солади,
Чунки күролмайди, менинг күзларим,

Қалбим жуда яқин, баҳтим эх, узоқ,
Она тупроқ яқин, осмон ҳам йироқ.
Бир кун иссиқ бўлса, бир кун зўр совуқ,
Чунки күролмайди, менинг күзларим.



АФСУСЛАР ҚИЛАМАН

Бугун гардсиз күнглим эзилди эссиз,
Сүнгти пушаймонлар, ўзимга душман.
Бугун мен айбландым юрган йўлимда,
Энди кўнгил эзилар айтиб пушаймон.
Ишонган дўстларим мени тарк этди,
Осмонда муаллақ қолган бир тошман.
Дўстларим хайр демай кетиб қолдилар,
Нега мен шундайин бироз бебошман.
Кимлардир менга бир маслаҳат берар.
Этак бошни қилич ҳам кесмас, дерлар.
Адашган йўлимдан қайтаринг дўстлар,
Ният пок бўлса, Аллоҳ насиба берар.
Истакларим кўп эди, орзуларим ҳам,
Ёнимда ҳар доим ҳамроҳим эди.
Бироз айловларга кўмилдим афсус,
Энди ёруғ йўл, чин юлдузим булди.



АЁЛ

Ёмонлик бўлмайди аёл қалбida,
Музлар ҳам эрур унинг сўзидан.
Қуёш нур сочар ҳатто лабida,
Энг улуғ туйғу порлар кўзидан.
Алла айтади кўнгилдан жўшиб,
Унинг овозида ўзгача сеҳр,
Бор экан аёллар, барҳаёт дунё,
Аёлда тугамас ҳеч қачон меҳр.

ОНАЖОН

Болани ўйлайсиз, негадир фақат,
Йигласа йигласиз, унга қўшилиб.
Ҳаттоки юрасиз, айбин яшириб,
Илоҳим умидингиз қолсин ушалиб.
Одоб ўргатгансиз, ибрат кўрсатиб,
Ҳар доно сўзингиз қалбимда қолган.
Она меҳрини ҳеч унутиб бўлмас,
Чунки у илоҳдан андоза олган.



ОПАЖОНИМ

Ёшликдан меҳрибоним,
Ҳам йўлдошим, ҳам жоним,
У ибратли виждоним,
Опажоним, опажон!

Меҳр билан боққан менга,
Илк сирға таққан менга,
Одоб ўргатган менга,
Опажоним, опажон!

Улғайибди бир пастда,
Бугун оппоқ либосда,
Таъзим қиласи аста,
Опажоним, опажон!

Қаранг ёшлик ўтибди,
Тақдир синов битибди,
Бугун келин бўлибди,
Опажоним, опажон!



СҮЗИМ

Ҳар бир сўзга ҳамроҳ, юрагим нишон,
Сўзлар билан яшайди доимо инсон.
Ўқдайин отилса гоҳида сўзлар,
Юрагим ярасин тузатар иймон.
Жонимга малҳам йўқ, сўзимдан бўлак,
Айтишга таъриф йўқ, кўзимдан бўлак.
Ҳеч нарса керакмас соғлиқдан бўлак,
Ўзинга, сўзингга ишонгин инсон.
Борлигим акс этар айтар сўзимда,
Қайдай эканлитим англар сўзимда.
Ўзбеклигим жўшиб турар сўзимда,
Бу менинг борлигим, бу менинг сўзим.



БЕБАҲО ИНСОН

Эй, мурғак кўнглимнинг сеҳрли нолам,
Сен билан яшадим, сен билан ўсдим.
Бир умр сирдош бўл, ёнимда қолгин,
Сен менинг ишончим, сенсан чин дўстим.

Йиғласам кўзимдан ёшни артдинг сен,
Бетоб бўлсам дардни бирга тортдинг сен,
Кувонсам қувондинг, ёшни артдинг сен,
Сен менинг ишончим, сенсан чин дўстим.

Йўлимда ҳамиша ҳамроҳим бўлгин,
Ўйлансам ёнимда ҳай-ҳайлаб тургин,
Ниятим, улуф инсон бўлгин, ўсгин,
Сен менинг ишончим, сенсан чин дўстим.



БУ ОНАЖОН АЛЛАСИ

Мурғак кўнглимга ҳар дам таскин берган,
Қайсар болаликнинг энг авж олган палласи.
Унитиб бўларми яшаркан инсон,
Ёқимли овоз бу, онам алласи.

Бешикка белаган тинч ётсин дея,
Болажоним деган, юрак парчаси.
Оқшом мижжа қоқмай, кўксини берган,
Ёқимли овоз бу, онам алласи.



АЛДАНМАНГ ИНСОН

Бир умрлик ишончини йўқотган одам,
Излаб-излаб, меҳнат қилиб топмаган шон.
Ёлғон сўзлар билан алданиб юрманг,
Ўз-ўзингни топгин, эй улуғ инсон.

Кўзларингизда фақат қувонч порласин,
Сўзларингизда ишонч бўлган он.
Она-Ватан учун фидо қилгин жон,
Ўз-ўзингни топгин, эй улуғ инсон.



АРМОН

Армон бўлди қалбимда,
Устозларнинг дуоси.
Ололмадим таълимда,
Фақат, фақат аълоси.

Армон бўлди ёшликнинг,
Умри қисқа экани.
Билмабмиз бебошликнинг,
Номимизга доғ тушгани.

Армон бўлди севолмай,
Кўп қизлар кетиб қолди.
Уларни ҳеч қийналмай,
Йигитлар уйлаб олди.

Ҳаёт ўзи армон экан,
Кейинроқ билар инсон.
Ҳар дамни қадрин билган,
Доно экан, сен ишон.



ЎТКИНЧИ ДУНЁ

Бу ўткинчи дунёда меҳмондир инсон,
Шу сабаб яшаган келтириб иймон.
Ҳар доим қадрланг бир-бириңизни,
Ҳеч кимга бермайин заррача зиён.

Ҳеч қачон кўрмангиз фарзанд доғини,
Меваларин ейингиз кўриб боғини.
Ҳур яшанг, тўқ яшанг, севинг севилинг,
Бехуда забт этманг мансаб тоғини.

Дақиқалар ўтар, қадрини билинг,
Ота-онангизнинг ҳурматин қилинг.
Ватанимга жонни фидолар айлаб,
Ҳамиша халқнинг эъзозида юринг.



МУНДАРИЖА

Ёшлигим	3
Баҳор	4
Лолақызғалдоқ	5
Устозим	6
Ўзбегим	7
Онам дуоси	8
Ҳаёт синови	8
Бобоҷон	9
Отам борлиги учун	10
Отам	11
Умр	12
Синфдош	13
Мехрибонларим	14
Билмадим	15
Ақажон	16
Ўйинқароқ бўлмагин	17
Хайр, дўстларим!	18
Мансаб	18
Софинг	19
Келинчак	20
Оҳ, чекманг	20
Ожиз қиз сўзи	21
Афсуслар қиласман	22
Аёл	23
Онажон	23
Опажоним	24
Сўзим	25
Бебаҳо инсон	26
Бу онажон алласи	27
Алданманг инсон	28
Армон	29
Ўткинчи дунё	30

2500 сур.

Рӯзигул Раҳматова

Калдқўзи

Шеърлар

«ISTIQLOL» — Тошкент — 2014

*Муҳаррир
Рассом
Мусаҳид
Саҳифаловчи*

*Ф. Раззоқова
Х. Екубов
Н. Атабоева
С. Пўлатов*

Лицензия рақами AI № 217. 03.08.2012 й. Босишга рухсат этилди
23.01.2014 й. Бинчими 84×108^{1/32}. Times Tad гарнитурасида. Шартли
босма табоби 2,0 б.т. Адади 200 нусха. Офсет қозози. Буюртма
№ 1.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI», Тошкент ш., 100129, Навоий
кўчаси, 30-үй. Тел: 244-94-36, факс 244-51-98. Эл. почта: istiqlol-
nashr@mail.ru.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» матбаа бўлимида чол этилди. Тош-
кент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-үй.